

O'zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Bog'ot tumani
HOKIMI
QARORI



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ХОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси, Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Тел: 31-52-807, факс: 31-52-425

2020 йил «24» Март

№ 630 и

Боғот шаҳарчаси

Кулонқорабоғ қишлоғи ҳудудида фаолият кўрсатаётган “Норвой правдали” фермер хўжалигига кўшимча узоқ муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида.

Кулонқорабоғ қишлоғи ҳудудида чорвачилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган “Норвой правдали” фермер хўжалиги бошлиғи Р.Атажановнинг фермер хўжалигига кўшимча ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокими номига йўллаган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 5,11-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Кулонқорабоғ қишлоғи ҳудудида чорвачилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган “Норвой правдали” фермер хўжалигига Кулонқорабоғ қишлоғи ҳудудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 540, 543, 547, 548-контурлардаги умумий ер майдони 18,7 гектар, шундан 16,5 гектар экин ери, 1,63 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,54 гектар йўллар остидаги ерлардан иборат бўлган ер участкасини кўшимча ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “Норвой правдали” фермер хўжалиги (бошлиғи Р.Атажанов)га Боғот тумани ҳокимининг қарори билан ажратиб берилган 263, 202к, 203 - контурлардаги жами 19,58 гектар, шундан 13,8 гектар экин ери, 1,0 гектар мева боғи, 0,18 гектар узумзор, 0,4 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 4,2 гектар қурилиш остидаги ерлардан иборат бўлган ер участкасига кўшимча

18,7 гектар, шундан 16,5 гектар экин ери, 1,63 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,54 гектар йўллар остидаги иборат бўлган ер участкаси билан умумий ер майдони 38,28 гектар, шундан 30,33 гектар экин ери, 1,0 гектар мева боғи, 0,18 гектар узумзор, 2,03 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,54 гектар йўллар остидаги, 4,2 гектар қурилиш остидаги ерлардан ерлар билан банд бўлган ер участкаси қолган (34 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. “Норвой правдали” фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиб берилиши муносабати билан Боғот тумани ҳокимининг қарори билан “Норвой правдали” фермер хўжалигига ер майдони ажратиб бериш қисми ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси бекор қилинсин.


4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Норбоев)га фермер хўжаликлариغا қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин туман ҳокими билан “Норвой правдали” фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. “Норвой правдали” фермер хўжалиги (бошлиғи Р.Атажанов)га ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, ариқ бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи фермер хўжаликлариغا қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев